



БИР ПИЁЛА ЧОЙ

Дам олиш саҳифаси

Турмуш тарзими

Ф А Р И Ш Т А Л И У Й

— Онажон, биласизми, ишхонамиздан бир гуруҳ кўрувчилар Арманистонга ёрдамга кетишяпти. Мен ҳам ёзилган эдим, — деди Ҳаҳҳор.

— Вой, ҳарбий хизматдан қайтганингга энди уч ой бўлди-ку, сени нима мажбур қилди? — сўради Ойша ая.

— Ҳеч нима мажбур қилмагани йўқ. Ўз ихтиёрим билан...

— Уч йил кутганим етмаганими? Яна бағримдан узоққа кетмоқчимисан?

— Тезда, 2 ойда қайтамиз.

— Аввал дадангдан сўрайлик-чи?

— Мен дадангдан руҳсат олганман. Фақат сиз рози бўсангиз, бас.

Она ўғлига оқ йўл тилади.

Бозор ака ва Ойша ая ана шундай меҳр-оқибатли фарзандларни тарбиялаб вояга етказмоқдалар. Уларнинг 8 ўғил, 3 қиз, 5 келин ва 26 нафар неваралари бор. Бу йилу бадавлат оилани маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади. Тўғрич ўғил Бахтиёр — ишчи, Суннат — шофёр, Бўрон — қурилиш бригадир. Ботир — нон комбинатиди мастер, Исроил шу ерда ишчи, Озода ва Сокида — фабрикада тикувчи, Қобул — сартарош, Марям — автотрестда оператор. Собир ҳозир ҳарбий хизматда.

Ҳаҳҳор яқинда кўнгилли қурувчилар отряди аъзолари

билан биргаликда Арманистонга бориб, икки ой ишлаб қайтди.

«Қария бор уйнинг фаршиси бўлади», — дейди халқимиз. Ойша ая ва Бозор ака айни кунларда фарзандлари, келин ва набиралари ёнида қариллик гаштини сурмоқдалар.

— 35 йил совхозда ишчи бўлиб ишладим. Ҳозир пенсиядаман. Болаларим ҳам меҳнаткаш чиқишди. «Қуш уясида кўрганни қилади» деганлари шу-да, — дейди Бозор ота.

— Келинларим ҳам жуда ақлли, сдобли. Мени худди ўз оналаридек кўришади. Невараларимнинг ширинлигини айтмайсизми? Агар ҳаммаси бир вақтда келса борми, уйимиз тўлиб кетади, — дея сўхбатга қўшилди Ойша ая.

Ҳа, оила аъзолари бир ерга тўплансалар, ростанамига байрам бўлади. Бундай тотув, иноқ фарзандларни кўриб кўзларингиз қувончдан порлаб кетади.

Қаршидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» маҳалласида истиқомат қиладиган Ойша ая ва Бозор ака билан хайрлашар эканмиз, уларга узоқ умр, оилага осойишталик ва тинчлик тиладик.

У. НУСУРОВ,

Қашқадарь область радиозиттириш комитетининг ходими.



Қиш гашти.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

КАСБИНГ—ФАХРИНГ

МОҲИР ЖАРРОХ

Тажрибали жаррохлардан бири Нишонбой Мамажоновга шифокорлик ота касб. У кўп йиллардан бундан шу соҳада хизмат қилиб келмоқда. Падери Мамажондор ака фельдшер бўлса ҳам билимдон ва тажрибаси туфайли эл орасида ҳурмат топан одам эди. Унинг шифокорликка қизиқишига у киши сабаб бўлган.

— Отам фельдшер бўлгани учун ҳам баъзи ҳолларда беморга врачга учрашишни маслаҳат берардилар, — эслайди жаррох. — Шундай пайларда мен фельдшерликка нисбатан беморга врачнинг кўпроқ ёрдами тегишини ҳис қилардим. Урта мактабни тамомлагандан сўнг Андижон медицина институтига кириб ўқий бошладим.

1970 йилда институтни битириб Нишонбой Мамажонов шавҳар болалар клиник касалхонасига ишга келди. Институтда олган билимларини амалиётда мустақамлаган жаррох ҳар йили 200 га яқин операция ўтказди. Уларнинг ҳаммаси муваффақиятли чиқди.

Андижонда болалар клиник касалхонаси бош врач Баҳодир Зулуннов: «Нишонбой жаррохлигини эҳтиётли ва устодлик билан олиб боради. Шунинг учун ҳам «қўли енгил» деган баҳо олган. Мамажоновда бу ютуқларнинг бўлиши бежиз эмас. У медицина фанлари доктори, профессор Султон Раҳимов мактабининг билимдон шогирдларидан ҳисобланади», — дейди.

Ушлик Равайн Мирсолиева, хўжабодлик Уткир Абдулваев каби болаларни ўлим чагалидан сақлаб қолгани учун ота-оналари жаррохдан бир умр миннатдордилар.

Нишонбой Мамажонов 20 йиллик тажрибига эга таниқли жаррох бўлса ҳам ҳақон изланишда: ўқийди, ўрганади. Унинг фирм-мўлоқазларини ҳаммаси билан ўртоқлашади. Район, область матбуот саҳифаларида махсусатлари билан қатнашди турди. Ўзи туғилиб ўсган Хакан кишлоғининг Ёштотқа маҳалласи жамоат ишларида фаол иштирок этади.


Олий тоифадаги шифокор Нишонбой Мамажоновга эл-юрт хизмати йўлида катта ютуқлар тилаймиз.

Д. ШОКИРОВ.

«НОМЛАР» БОШҚОТИРМАСИ

1. Ўзбек давлат халқ рақс ансамбли. 2. Буюк грузин ёзувчиси. 3. Туркистоннинг ниқобий рўзномаларидан бири. 4. Ўзбек актрисаси. 5. Ҳиндистонга сафар қилган рус сайёҳи. 6. Энг азиз неъмат. 7. Ўзбек шоираси. 8. Эрондаги шаҳар. 9. Тожикистон ССР пойтахти. 10. Қитъа. 11. Туркиядаги шаҳар. 12. Тошкент областидаги қончилар шаҳри. 13. Буюк ўзбек мутафаккири. 14. Ойбекнинг «Қўтлуг қон» асари қаҳрамони. 15. А. Белиннинг «Одам — амфибия» романи қаҳрамони. 16. Муслим асоби. 17. Катта сув ҳавзаси. 18. Ж. Верннинг «Сирли орол» романидаги персонаж. 19. Ҳиндистондаги шаҳар. 20. Арманистон футбол командаси. 21. Ер сиртининг текислигига нисбатан баланд бўлган қисмининг номи. 22. Ходадан кесиб олинган бўлак. 23. Юк ташиш воситаси. 24. Гул турли. 25. Туркменистон пойтахти. 26. Кемаларни таъмирлаш корхонаси. 27. Озодлик ороли. 28. Оила аъзоси.

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.



«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана. Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълолар бўлими — 33-81-42.

БАТАН ТУТҚАЗДИ ҚАЛАМ

Давлатмурод — Хоразм фарзанди. Ҳамюртлари каби у ҳам адабиёт ва санъат шайдоси. Ёшлигиданоқ Хоразмий ва Оғаҳий газаллари, Шерозий ва Отаниёзов хоншайлари қалбига нафосат юлдузини ёққан. Шерў ўқиса, қўшинг тингласа, рақс кўрса, юраги «жиз» этади, аллақандай илқ туйғулар қамраб олади, қўлига қалам тутганини ўзи ҳам билмай қолади.

Илк машқлари ўзи туғилиб ўсган сўлим диёр—Янгиариқ район газетасида, «Хоразм ҳақиқати»да бошилди. Энди республика

матбуотида кўриниб турибди. Шунингдек, «Бойчечак», «Ёшлар овози», «Олтин бе-ланчак» сингари тўпламлардан муносиб ўрин олган.

Қайта қуриш давридаги халқ дарди, экология муаммоси, маънавий поклик учун кураш, одамларнинг дилдагини тилига чиқариш орзуси, чинакам бахтга интилиш каби мавзулар Давлатмуродга анча яқин. Бунга ўзига хос овоз, услуб ва йўналишлар билан ўқувчи-га етказиш ниятида. Батан тутқазган қалам унга туганмас илҳом бағишлашига тилқадомиз.



Суринишлар, депсинишларни Тан ола турбмиз ўқиниб, Энди тутатмасак, Тутатмасак қалмчиликларни, Киммиз ўзимиз яна агарда

Ичи енгил ҳавога тўла Қабарик сўзларни, сохта ваъдаларни, Гар жиддий бўлмасак, Барҳам беролмасак,

Ўзимиз йўл қўйган хатоларга Барча муаммоларга... Жароҳатлаб денгиз кўксини Сақлаб қололмасак бутакўз Оролу

Бўзлаётган Амударёни, Унда биз ҳақимизда «Оролин ўлдирган авлод» дея Айтишларни муқаррар!

ЎТИНЧИМ

Бу аслида гўё бир олам, Меҳр сочар дарёларни бор. Ениб ётган полларни ҳам Шерга тўйиб жиймайиб турар.

У шу жойда оқибат чўқиб Туйғулларга ўраниб ётган. Унда қисмат қўйламоқ завок — Жон-ла бирга илдизлар отган.

Ҳижрон ўрта, чексиз севинч ҳам Бир оловсат муҳаббат қамроғи. Бу оламнинг дардини тамом — Юрт дарахдан ажратиб бўлмас...

Инсоф билан агар тан олсам, Мушдек дея назарга олай. Олчичман юрак деб, дўстлар, Кўксимга мен оламини билмай. Кўтаришиб юборинг менга Ана шу оламини, одамлар...

Дунёга келдинг-у фарзандим, бироқ Бир зум ҳам ўтмасдан бошладим йғи. Поёнсиз оламини дурсаним торроқ, Нахот, яшамонинг бўлмас қизинг!

Е юпун-алангоч бўлганга ҳали Ўзгалар олдда қилсанми ор! Еки сен ўзингни кўрган маҳали Топленгдан ноллиб, йнглаксаним зор!

Йнглама, норастам мана, чопаман, Мен энди тинмасан бахтга кўмагани. Эгинингга шафқатинг қўйлаб ёлман, Шунгача ўтаман кўзим юмгани...

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Келин, кулишайлик

ПЛАН

Бош врач: — Алло, турку-хонами? Ўрибосарини теъроқ телефонга қўйинг. Алло Ҳилола, сизмисиз? Тинчликми, меҳмонлар келишмадим?

Ҳилола: — Ўш, келишмади. 3-палатадан кувон кўзи эриш афрасида. Чаманда, эгизик туғадиганга ўхшайди.

Бош врач: — Уш чегла «юфорида буйруқ бор», деб янинг. Комиссия келиб кет-гунча туғмай турсин. Мабодо энгиз тугс, дафтарга битта деб қайд этинг.

Ҳилола: — Нега энди? Бош врач: — Эй, шуним тушунмадингми? Ҳар эҳти-молга қарши-да. Виттасини кел-син ой планига киритасиз.

ЭЪЛОН

Яқинда шахар маданият ва-стироҳат боғи эндида «Эрта-га» — шанба кунни институти-мида ҳаваскор поракўрлар учун «очиқ эшиклар кун» ўтказилади. Ёши, жинсидан қатъий назар, барча поракўр-ликка ихлосмандлар ташриф этилади. Сўхбатни зўнко тер-говчилар олиб боришади. Де-ган эълон пайдо бўлди.

«ВАФОДОР»

ХОТИН

Менин тўғримда одамла-р, ҳар хил ивго тарқатиллапти. Гапирадиган уларнинг оғли. Ило, мен виждонимни ўртага қўйиб касам ичиб айтманми, учали эримга ҳам тириқча ҳиёнат қилаётганим йўқ.

САБР

Умр бўйи майда роль ўйнаб келган аистёр денгизда чўкаёт-ган одам образини яратётган эди. У сувга тушган, режис-серга деди: — Агар келгуси фильмда асосий роллардан бирини бер-масангиз, ҳозир ростдан чўкиб улам.



— Ниятингиз қатъий бўлса, сабр қилинг, — деди режис-сер — Навбатдаги фильмда минорадан ташлаш сизнаси бор. Иложи борича тақрорла-масдан суратта олишга ҳара-кат қиламиз.

Тўловчи: И. ҚОБИЛОВ.

ШАХМАТ

БУРЧАГИ

СССР спорт мастерлигига номзод Анвар Иноқов тах-рири остида



Икки юришда мот.

БОҒЛИҚ ҚҮЛ

ҲАЖВИЯ

зимзини қайтарди. Солмаат ака ўшанинг айт-ганини қилди, ваалло-ҳу алам, деб гапирайин-у худонинг қудратини қўли билан қўлларни тошдек қотиб қолди. Халиғи телевизордаги одам Солмаат акани оз ухлатди, кейин туш ҳам кўрдирди, ун-готиб ширин халлар оғушига чорлади, юзиди-да ҳорғинлигини йўқотди, қандай ажойиб за-мон-а! Кейин, кейин ҳали қўлини бўшатмасдан чироқ ўчиб қолди.

Ҳамма томоша шундан кейин бошланди. Бечо-ра Солмаат ака чироқни кўп кутди. Қишлоқ монтерларини орақоротдан бошлаб сўқди, ба-рибир ёнади...

Эй, номарлар, бир ўчирганда уч-тўрт кунлаб учирасаним, келиб-келиб шу кун-я, энди нима бўлади, Солмаат ака!

Уш кунни боғлиқ қўл билан ухлатди, эрталоб монтерларга чопди, улар қулини, милицияга борди, «бу ер сизга ҳазиллашадиган жой эмас», — дейишди, наҳот сўраб касалхонага борди, «бунинг фақат ўша телевизордаги одам очади, бизнинг қўлимиздан келмайди», — дейишди, у

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ЭНГ КИЧИК ЕЛПИГИЧ

Хитой усталари дунёдаги энг кичик елпигич ясади. Унинг ҳажми гуруч дона-сидан катта эмас. Шунга қарамай, буқламаларига ўн қилми маззари ва ўн битта шернинг 375 мероллифдан иборат матни жойлашган. Елпигич фил суягидан ясалган.

БАРИБИР ЮТИБ ЧИҚДИ

Бразилидаги балиқчилар конкурсида қатнашган япо-ниялик Иширо Онодеро омадлилиги билан барчанин-диққатини ўзига жалб қил-ди. Балиқлар унинг қармо-ғига илиниш учун жон-жаҳд-лари билан интилишарди. Лекин Иширо соврин олма-ди. Қармоқ енига у қон ҳи-ди тарқатувчи суяқлик со-линган баннача осиб қўйган-лиги маълум бўлди. Юзлаб метр наридан бу ҳидни сез-

ган балиқлар қармоқ томон сузиб келишарди. Онодеро мусобақага қатнашиш ҳуқу-қидан маҳрум қилинди. Ле-кин шу ерининг ўзидаёқ их-тиросини сотиб олишга та-лабдор кишилар анча фой-дали таклифлар қилишди.

БАХТ—ФАҚАТ ҚАРИЛҚДА

Филлар туғилган кунини эллигинчи марта нишонла-гандан сўнг энг бахтли кун-лар бошланишига, эзгу ор-зулар рўббага чиқишига қат-тиқ ишондилар.

Геллап институти 50—65 яшар аҳоли ўртасида ўтказ-ган тадқиқот савол билан мурожаат қилган киши-лардан 80 фоизи жамиятта қўпгина фойда келтириши мумкинлигидан далолат бе-ради, 70 фоиз фин эса қа-рилиққа ҳали анча бор, ҳа-ётда ҳар нима юз бериши мумкин, деб ҳисоблайди.

— Болаларимиз қамол то-пишди, энди ғамхўрликка

муҳтож эмаслар, — дейиша-ди улар. — Қолган умрини янги ва қизиқарилишлар: саёҳат, тил ўрганиши, китоб ўқиш, хўжалик ишлари би-лан шуғулланишга сарфлаш учун куч-гайрат ва истак етарли.

— Ёшлиқ энг бахтиёр даврилиги ҳақидаги афсона ўтмишда қўлиб кетди, — деб ҳисоблайди, тадқиқот ў-казишга топириқ берган «Мак-Канн» рекламга бюроси ижодий бўлимининг мудир Сату Линдрова. — Унинг ў-рнига бошқаси — энг муъта-бар кексалик тўғрисидаги ривоят пайло бўлмоқда. 50—60 ёшдан кейин ҳам ҳар томонлама қамолотга, севи-муҳаббат ва гўзаллик-ка ишониш мумкин.

ВЕЛОСИПЕДА ТУРТ КИШИ

Англиялик Рори Спюверс, Дэвид Элиот, Стив Йорри ва Крис Милс Африка бўйлаб кезишининг галати усулини ўйлаб топишди. Улар «юра қитъа»ни жанубдан шимо-лига уч ўринли велосипед-трандема кесиб ўтишмоқда.

Уч киши трандема педа-ли айлантирунча, тўртинчи сайёҳ оддий велосипедда уларни қувиб этади. Ўтган йили май ойда Ботсван пойтахти Габорондан йўлга чиққан сайёҳлар ҳозирчага Зимбабве, Замбия, Малавия, Танзанияни босиб ўтиб, Ке-нияга етиб келишди.

Велотуристар энди Су-дан орқали Мисрга йўл ола-дилар. Шунда маршрутнинг Африка қисми ниҳоясига етади. Тўрт оғайни боти-лар 11 минг километрга чў-зиладиган саёҳатни апрель ойида Лондонда якунлашни режалаштирмоқдалар.

Қатнашчиларнинг фикри-га қўра, агар йўлда 63 та камера тешилганини, 7 та тишла галтак, 48 та занжир синганини, 8 та покришқа едрилиб тулаганини ҳисобга олмаса, пойга ҳозирча му-ваффақиятли ўтмоқда.

Муҳаррир А. Ф. МУХТОРОВ.